


Ислоннинг мақсадлари равшандир



14:57 / 21.10.2025 764

Биз иймон келтирган ва чорлайдиган Ислон — равшан диндир, ҳеч қандай мавҳумлик, мажҳуллик, чигаллик ва шубҳа бўлмаган, Қуръони Карим ва Суннати шарифанинг Исломидир. Унинг манбалари очиқ ва равшан, мақсадлари яққол кўриниб турадиган, усули очиқ-ойдин диндир. Ислонда қатъий ва зонний ишлар бор. Қатъий ишлар Ислоннинг асосий усулини ташкил этади. Булар умматнинг ақийдада, ибодатларда, одоб-ахлоқда ва амалий қоидаларда фикрий бирлигини, ҳисси ва сулукининг ягона эканлигини билдиради. Барча қатъий ишлар асос, устун ва омилларни ташкил этади. Булардан ташқари зонний, яъни гумоний ишлар ҳам бор. Гумоний ишлар бесабаб тарк этилмаган. Аммо қатъий тартибга солинган ва қоидалар билан таъминланган. Уларнинг усулий асослари бор. Башариятнинг маданият тарихида ҳеч бир уммат билмаган илмни биринчи бўлиб мусулмонлар ихтиро қилишди. Бу янги кашф этилган илмнинг вазифаси насс, яъни шаръий далили бор ёки далили йўқ масалаларга доир далилларни келтириш йўллари тартибга солиш бўлиб, «Усулул фиқҳ» илми деб аталади.

Демак, бу ўз ҳолига ташлаб қўйилган эмас, мустаҳкам тартибга солинган ишдир.

Биз чорлаётган Ислоннинг кўриниши равшан, асослари маълум,

мақсадлари очик-ойдин баён этилган. Биз турли айбу камчиликлар, бидъатлар ва кейинги асрларда пайдо бўлган янгиликлардан холи бўлган «Аввалги Ислом»га даъват қиламиз. Бу умматнинг энг яхши фарзандлари, саҳобалар ва уларга яхшилик билан эргашганлар тушунганларидек, биз ҳам тоза Исломни, мусаффо Исломни истаймиз, Исломни ана шулар фаҳмлаганларидек фаҳмлашга ҳаракат қиламиз. Маъсум, яъни бегуноҳ Пайғамбар алайҳиссаломдан бошқа ҳар бир кишининг сўзи қабул қилиниши ёки қабул этилмаслиги мумкин.

Биз турли замонавий муаммоларни ҳал этишда фаҳмлаш ва ижтиҳод янгиладиган Исломга чорлаймиз. Биз қотиб қолмаган, ўз қобиғига ўралиб олмаган, таассубга берилмаган Исломга даъват қиламиз.

Биз барча мазҳабларга мурожаат қиламиз. Бу мурожаат тўрт мазҳабга эмас, балки баъзилари инқирозга учраган ва ҳозирда айримлари мавжуд бўлган мазҳабларга ҳам тааллуқлидир. Булар қаторига мазҳаблар, саҳобалар, тобеъинлар ва уларга эргашганларнинг сўзлари ҳам, ўнлаб ва юзлаб фақиҳлар ва улардан мерос бўлиб қолган кўплаб фойдали асарлар ҳам киради. Ҳаётимиз талабида ва ривожланиш йўлида улардан фойдаланишга имкониятимиз бор.

Ислом шариати воқеликда вужудга келган бирон масалани ҳал қилишда тор йўлни танламайди.

Ислом шариати турли маданиятлар соҳиби бўлган умматлар ҳаётида ҳукм юритган.

Ислом шариати қадимий ва танилган маданиятлар ўлкаси бўлган Форс ва Рум мамлакатларида ҳукм юритиш учун Араб жазирасидан ташқарига чиқди. Бу ерларда Форс, Рум Византияси, Ҳинд, Хитой, фиръавнлар, ошурийлар, бобилликлар ва финикияликлар маданияти ҳукмрон эди.

Ислом шариати мазкур барча диёрларда ҳукм юритди ва бу янги ҳукм асло қийинчиликка буюрмади.

Ислом шариати ҳар бир ҳодисага яраша ўзининг муносиб жавобини, ҳар бир муаммога керакли муолажани бера олди, чунки ҳар қандай қийин масалани ҳал қилиш қудратига эга эди.

Алҳамдулиллаҳ, Ислом шариати ўзининг манбалари, ояти карима ва ҳадиси шарифга асосланган масдарлари, қоидалари, қатъий ҳукмлари ва турли мавзуларда ўз ҳукмлари, ечимлари, қўшимчалари, изоҳлари ва амалий

татбиқот суратларини бизга мерос қолдирган фуқаҳоларнинг ижтиҳодлари мукаммал равишда сақланиб қолган. Буларнинг барчаси замонавий, фақиҳ учун маънавий озуқа ва ёрдамчидир. Замондош фақиҳлар улардан энг тўғрисида далил қилиб, энг зарурини йўл қилиб, энг маҳкамани эса жавоб қилиб олади. Натижада диннинг мақсадлари ва дунёвий манфаатлар баробар рўёбга чиқади.

Биз исломий тўғри ижтиҳодга, тўғри йўлни кўрсатувчи усул қоидаларига, ўтган уламоларнинг хидоятга бошловчи меросларига, Қуръони Карим ва саҳиҳ Суннатга амал қилган ҳолда барча замонавий мушкулотларимизни ҳал эта оламиз.

Биз ҳар қандай муаммо ва мушкулотларга теран назар билан қараймиз. Шу билан бирга, замонга, унинг оқимларига ва муаммоларига бошқа назар билан қаралади.

***«Биз иймон келтирган исломнинг тартиб ва кўринишлари»
китоби асосида тайёрланди***

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 29 октябрдаги 03-07/6664-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.